

XX АСР БОШЛАРИ ЎЗБЕК АДАБИЁТИДА МУВАШШАҲЧИЛИК

Арофатой Уриновна Муйдинова

Чирчиқ давлат педагогика университети ўқитувчиси

arofat@cspi.uz

АННОТАЦИЯ

Мақолада мувашшаҳчилик анъанаси ва у билан боғлиқ адабий мунозаралар ҳақида сўз боради. Айрим уламоларнинг улуғ шоирлар ижодига нисбатан бирёқлама ноҳолис муносабатлари ва бунга уларнинг асосли жавобларини ёритишга ҳаракат қилинган.

Калит сўзлар: мувашшаҳ, ғазал, мухаммас, оят, ҳадислар, мунозара, маҳорат.

ABSTRACT

The article talks about the tradition of muvashshah and the literary discussions associated with it. Some scholars have tried to shed light on the one-sided biased attitudes towards the creations of the great poets and their justifiable responses to this.

Keywords: muvashshah, gazal, muhammas, verse, hadiths, discussion, skill.

КИРИШ

Маълумки, ўзбек мумтоз шеърини хилма - хил лирик жанрларга бой. Бу жанрлар шакл ва мазмундаги ўзига хослиги, табиати ва бошқа қўпгина қирралари билан ўзаро фарқланади. Шунингдек, ҳар бири мазмун-моҳияти билан алоҳида санъат, бадиият ҳодисаси ҳисобланади. Шу жумладан мувашшаҳ ҳам худди шундай лирик жанрлардан биридир.

Мувашшаҳ арабча “вашшаҳ” сўздан олинган бўлиб, маъноси “бўйни боғланган” демакдир, адабий истилоҳ сифатида “безамоқ”, “зийнатламоқ” маъноларини ифодалайди. Мувашшаҳнинг ҳар бир мисра, байт ёхуд бандининг бошланиш ҳарфларидан (баъзан эса тактеълар чегарасидаги) бирор нарса ёки кишининг номи келиб чиқади. Мувашшаҳлар мумтоз шеърини ғазал, мухаммас, мураббаъ, рубоий, қитъа каби турли жанрларда яратилган.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари ўзбек адабиётида Фурқат, Ҳазиний, Муқимий, Муҳйи, Завқий,



Феруз, Камий, Мискин, Зорий, Қорий, Рожий каби улуғ шоирлар мувашшаҳчиликда шуҳрат қозонишган.

Ўзбек миллий уйғониш адабиёти вакиллари яратган мувашшаҳлар адабиётшуносликда деярли тадқиқ этилган эмас. Шу боис уларни тадқиқ этиш шоирлар адабий-эстетик оламини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Зеро, бу давр ижодидаги мувашшаҳларни илмий асосда ўрганиш адабиёт тарихининг қоронғи жиҳатларини ёритишда муайян даражада хизмат қилади. Мақсуд Шайхзода, Азиз Қаюмов, Шариф Юсупов, Қўлдош Пардаев сингари олимларнинг бу мавзуга оид тадқиқотлари мувашшаҳнинг ўзига хос хусусиятларини ёритгани, унга доир мунозараларга ойдинлик киритгани жиҳатидан аҳамиятлидир.

Бу даврда мувашшаҳчилик анъанаси шу даражада оммалашганки, ҳатто, шоирлик ва назмчилик хунари мувашшаҳчиликдаги маҳорат билан ўлчангани манбаларда таъкидланади[4,91-92]. Бу ҳолнинг 1910 йилларда дастлаб “Ал-Ислоҳ” журналида, кейин эса бошқа вақтли нашрларда кўпгина мунозараларга сабаб бўлганлиги адабиётшунослар томонидан атрофлича ўрганилиб, таҳлил қилинган. Мунозара “Ал- Ислоҳ” журналининг 1916 йилги 11-сонида “Ўратепали Мулла Баҳриддин тарафиндин саволлар” ташланиши билан бошланади[3,43]. Унда жамиятда рўй бераётган катта ижтимоий ҳодисалар замон шоирларининг ишқий ва ҳажвий шеърларига боғлиқ талқин этилади. Муаллиф матбуот нашрларида чоп этилаётган анъанавий адабиётга хос ошиқона шеърларни танқид қилади. Мулла Баҳриддин ушбу масалани бутун Туркистон уламолари эътиборига ҳавола қилади: “Ушбу замонимизда буюк-буюк шоирларимиз ўрталарина камоли тафаккур ва мулоҳаза илан ранжлар тортиб бир кимсани маъсум гўзал ўғли исмина “мувашшаҳ” исмли шеър ёзибдур... шоирларимизи ушбу ишлари шариати изоми набавий ва мазҳаби муҳаззиби байзойи ҳанафийга нечукдур (жоизму ё жоиз эмасму?). Жоиз ўлган тақдирда мазкур маъсум бола ушбу алфозларни эшитиб ... ахлоқи бузилиб, баъзи ношоиста ишларга майл этиши шоён эмасму?(Ал-Ислоҳ, 1916, 11-сон.) [3,43] Шундан кейин бу масала миллат зиёлилари, уламолар ўртасида кенг муҳокама қилина бошлайди. Тошкентлик Мақсудхўжа муфти мазкур масала юзасидан қизгин баҳсга киришиб, “Ал-Ислоҳ”нинг бир неча сонларида мақолалар чоп этириб, ... замон шоирларининг ишқий мавзудаги мувашшаҳларини назарда тутиб, бу каби шеърларни ахлоқсизлик ва тубанлик манбаи сифатида талқин этади... Мақсудхўжа муфти бутун халққа ишқий ва ҳажвий шеърлар ёзиш ҳам, ундай шеърларни ўқиш ҳам гуноҳ деган фатво беради. Ана шундай

давом этган қизгин баҳсга шоир Завқий ҳам қўшилади. У Мақсудхўжа муфтига жавобан кескин фикр билдириб, “Иштибоҳ” номли мақоласи билан чиқади. Завқий Мақсудхўжа муфти ва Мулла Баҳриддиннинг ишқий шеърлар ҳақидаги мулоҳаза-муҳокамаларининг нотўғри, фатвосининг асоссиз эканлигини айтиб, мунозарага киришади. У муфтига оят ва ҳадислар асосида жавоб беради. Ишқий шеърлар билан ахлоқсизлик ўртасида фарқ борлигини тушунтирмоқчи бўлади. У “мусулмон кишининг қилмишини текширмасдан туриб, гуноҳкорликда айблаш жоиз эмасдур” мазмунидаги ҳадиси шарифни келтириб, муфтининг фатвосини инкор этади... Завқийнинг бу мақоласи уламоларнинг жиддий эътирозига сабаб бўлади[3,44]. Ўз чиқишларида замон шоирлари ижодини ҳимоя қилган Завқийга матбуот саҳифаларидан жой бермай қўйганларидан сўнг эса бевосита халқ оммасига, адабиётнинг ҳақиқий мухлиси эканлигини кўрсатишга киришади. “Афандилар” шеъри ана шундай воқелик ҳосиласидир. Шеърда мунозараларга шундай муносабат билдирилган:

Фарқ айламай яхши – ёмон,
Ким арпа – буғдой, ким – сомон,
Тухмат, ҳақоратлар ҳамон,
Не муддао, сиз афандилар.

Доим Муқимий, Фурқатий,
Ёдимда меҳру шафқати,
“Ислоҳ”да бошлаб тухмати,
Кўп норасосиз, афандилар...[2,43].

Мунозара ва баҳслар “Ал-Ислоҳ” журналининг бир неча сонларида, шунингдек, “Ойна”, “Садои Фарғона”, “Садои Туркистон” каби нашрларда ҳам давом этади. Жумладан, Мирмуҳсин Шермуҳамедовнинг “Туркистон вилоятининг газети”да чоп этилган “Шоир жанобларига илтимос” номли мақоласида қайд этилишича, ишқий мавзудаги мувашшаҳлар жамиятга ҳеч қандай фойда келтирмайди, аксинча, зарари бор[1,45]. Шоир ёшларнинг одоб-ахлоққа оид китоблар ўрнига ахлоқни бузғувчи ошиқона мувашшаҳларни ўқиётганидан изтиробга тушади. Ҳожи Муин ҳам аввалроқ “Ойна”даги “Жавонбозлик сабаблари” мақоласида ўз даври адабий жараёни тўғрисида фикр юритиб, адабиёт нотўғри йўлдан бориб, халққа қутилган таъсирни эмас, акс таъсир кўрсатаётганидан шикоят қилган эди: “Шоирларнинг энг яхши ғазаллари бесоқол жавонларни мақтаб, исмларини мувашшаҳ, яъни мисра ва байт бошига солгани ва шундай

ғазалларни баъзи жавонларга пулга сотгани тўғри эмас” [3,52]. Унингча ҳам Туркистондаги зиддиятлар, маънавий таназзул маърифатсизлик, яъни ахлоқ бузувчи шеърлар таъсирида юзага келаёттир.

Улуғ шоирлар ижодига нисбатан бундай асоссиз айбловларнинг қўйилиши, уларни каттиқ изтиробга солгани, табиий. Адабиётшунос олим А.Қаюмов Фурқат лирикаси тадқиқига бағишланган “Шеърият жилolari” қўлланмасида куюнчаклик билан: “Агар баъзи мувашшаҳ ёзган назмбозлар бу шеърий шаклдан ғайри адабий, ғайри ахлоқий мақсадларда истифода этган бўлсалар, ундай шеърлар адабиёт ва илм доирасидан ташқаридадирлар. Бундай ҳолларнинг Фурқатдек улуғ мутафаккир шоирга ҳеч қандай алоқаси йўқ! Зотан, Фурқатнинг ибратомуз мисраларини ҳамиша хотирда сақламоқ даркор:

Таъна айлар билмайин бир неча бад андешалар,
Ишқ йўлида, биҳамдуллоҳки, Фурқат покмен” [5,43].

Фурқат ижоди мисолида айтилган бу фикрларни Муқимий, Муҳйи, Ҳазиний, Завқий каби барча улуғ шоирлар ижодига нисбатан ҳам айтиш мумкин.

“Ал-Ислоҳ” журналидан бошланган мазкур баҳслар бежизга катта мунозарага айланмаган эди. 1914 йилнинг 20 майида “Садои Туркистон” газетасида Авлонийнинг “Гапурманглар” шеъри чоп этилган. Муаллиф фикрича, миллат таназзулдан изтироб чекаётган, мустамлака гирдобиди қолиб, эрку озодликдан маҳрум бўлган бир замонда ишқий мавзуларда шеър ёзиш муносиб эмас эди.

Сизга арзим будур, эй шоирон, ишқия назм этманг,
Қалам қош, зулфи сунбул, сарви қоматдан гапурманглар.
Келинг, эмди ёзайлик, сўзлашайлик камчиликлардан.

Бу каби шеърларга яқин-яқингача шўро мафқураси тазйиқи билан бир томонлама баҳо бериб келинди. Улардан синфий кураш аломатлари изланди. Шу маънода, адабиётшунос олимларнинг “Абдулла Авлоний “Қаламқош зулфи сунбул, сарви қоматдан гапурманглар”, - деб ўшқиритишига қарамай замон шуаросининг лирик қаҳрамони жононага дил беради, унинг хусни, ахлоқини мақтайди”, сингари қарашларини ўша давр тақозоси ўлароқ ёзилган, деб ҳисоблаш мумкин. Авлоний нима учун “Ишқия назм этманг”, яъни ишқий шеърлар ёзманг демоқда? Бу билан у дунёвий муҳаббатга қарши чиқмоқдами? Табиийки, бундай эмас. У Туркистон шоирларини ҳадеб ишқий шеърлар ёзавермасдан ўлкада ҳал қилиниши лозим бўлган камчиликлар, муаммолар ҳақида ёзишга даъват этади.

Маърифатпарвар шоирнинг “Ёзайлик, сўзлашайлик камчиликлардан”, дея таъкидлаши сабаби шунда[3,50-51].

ХУЛОСА

Шундай қилиб, XX аср бошлари ўзбек адабиётида мувашшаҳчиликнинг пасайишини маърифатпарварлик адабиётининг майдонга чиқиши билан боғлаш мумкин. Юқорида таъкидланганидек, бу даврда шеърят, умуман, адабиёт ўз номи билан миллатни уйғотишга қаратилган эди. Шу боис миллат фидойилари ижоди, асосан, миллий уйғониш руҳи билан суғорилган эди.

REFERENCES

1. ACHILOVA, E. (2021). O‘TKIR HOSHIMOV ASARLARIDA BADIY PSIXOLOGIZM MUAMMOSI. “XALQ TA’LIMI”, 5(1), 88-91.
1. Achilova, E. (2022). O'tkir Hoshimovning "Urushning so'nggi qurboni" hikoyasidagi psixologik tasvir. *Til va adabiyot ta'limi*, 1(1), 40-42.
2. ACHILOVA, E. (2022). SUJET, OBRAZ, USLUB XUSUSIYATLARI. *Til va adabiyot ta'limi*, 3(1), 26-27.
3. Achilova, E. S. (2022). ARTISTIC PSYCHOLOGY ON THE EXAMPLE OF THE WORK “SPRING DOES NOT RETURN”. *An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(10), 1991-1994.
4. Atadjanov, G. (2020). FRIENDSHIP OF LITERATURE - FRIENDSHIP OF NATIONS. *International Scientific Journal Theoretical & Applied Science*, 10(90), 201-203.
5. Atajanov, G. (2020). ASLIYATNI QAYTA YARATISH MUAMMOSI. *UzACADEMIA*, 1(1), 72-75.
6. Davlatova, A. R. (2021). IMAGE OF MENTALITY IN ABDULLA ORIPOV'S LYRICS. *International Scientific Journal Theoretical & Applied Science*, 11(103), 904-908.
7. Davlatova, A. R. (2022). PHILOSOPHY OF ABDULLA ORIPOV'S LYRIC. *International Journal of Advanced Research in Management and Social Sciences*, 10(11), 259-264.
8. Davlatova, A. R. (2022). THE ROLE OF WORLD LITERATURE IN THE DEVELOPMENT OF ABDULLA ORIPOV'S POETIC THINKING. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(10), 1027-1032.
9. Murodova, R. (2022). Ona tili darslarida nostandart testlardan foydalanish usullari. *Til va adabiyot ta'limi*, 1(1), 11-12.



10. Murodova, R. (2022). TIL VA MADANIYATNING TALQINI ZAMONAVIY TILSHUNOSLIK NIGOHIDA. *CENTRAL ASIAN ACADEMIC JOURNAL OF SCIENTIFIC RESEARCH*, 2(5), 895-903.
11. Murodova, R. I. (2022). NON-STANDARD TESTS IN MOTHER TONGUE EDUCATION AND IMPROVEMENT OF METHODOLOGY OF THEIR USE. *GALAXY INTERNATIONAL INTERDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL (GIIRJ)*, 10(5), 21-36.
12. Rahmanova, N. A. (2022). CHIN ELIDEK BODAPARAST ET MENI...” YOKI TASAVVUFIY CHIN MAVZUSI HAQIDA. “*FILOLOGIYA MASALALARI*, 1(1), 224-227.
13. Raxmanova, N. (2022). ALISHER NAVOIYNING EPIZODIK OBRAZLAR YARATISH MAHORATI. *International Conference on Developments in Education*, 1(1), 114-118.
14. Usmanova, Z. I. (2022). FURQATNING ALISHER NAVOIY G`AZALIGA BOG`LAGAN TATABBUSI. *CENTRAL ASIAN ACADEMIC JOURNAL OF SCIENTIFIC RESEARCH*, 2(1), 221-225.
15. Tojiboyeva, G. A. (2021). JADID ADABIYOTIDA AYOLLAR TIMSOLI. *Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(4), 1495-1502.
16. Tojiboyeva, G. A. (2022). MAHMUDXO‘JA BEHBUDIYNING “PADARKUSH” DRAMASIDA AYOLLAR OBRAZI. *Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(11), 66-70.
17. Tojiboyeva, G. A. (2022). XX ASR BIRINCHI CHORAGIDA BUXORODA IJTIMOY-IQTISODIY, SIYOSIY MADANIY HAYOT, JADIDCHILARGA QARSHI MA’NAVIY HAMDA JISMONIY KURASH. *Academic Research in Educational Sciences*, 3(5), 590-593.
18. Usmanova, Z. I. (2021). Она тили дарсликлари такомиллашмоқда. *Экономика и социум*, 4(83), 521-525.
19. Usmonova, Z. (2022). Zamonaviy ta'limning negizi. *Til va adabiyot ta'limi*, 2(1), 15-17.
20. Usmonova, Z. I. (2021). YANGI DAVR DARSLIKLARI. *Academic Research in Educational Sciences*, 2(11), 282-287.
21. Атаджанов, Ф. (2022). ШАКЛАН ЎХШАШ ВА АЛДОҚЧИ СЎЗЛАР МУАММОСИ. “ЎЗБЕК ФИЛОЛОГИЯСИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ ВА УНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ МУАММОЛАРИ, 1(1), 561-564.

22. Ачилова, Э. С. (2021). РОЛЬ УРОКОВ ЛИТЕРАТУРЫ В ФОРМИРОВАНИИ КЛЮЧЕВЫХ КОМПЕТЕНЦИЙ УЧАЩИХСЯ. *Научные исследования*, 2(3), 46-49.
23. Усманова, З. И. (2022). ОНА ТИЛИ ТАЪЛИМИДА ГРАММАТИК ТУШУНЧА, МАШЦ, САВОЛ ВА ТОПШИРЦЛАРНИНГ БЕРИЛИШИГА ОИД УЦУВ МАТЕРИАЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ПЕДАГОГИК МУАММО СИФАТИДА. *CENTRAL ASIAN ACADEMIC JOURNAL OF SCIENTIFIC RESEARCH*, 2(1), 251-259.
24. Муйдинова, А. (2022). МУВАШШАХЧИЛИК АНЪАНАСИ. *Academic Research in Educational Sciences*, 3(3), 1042-1046.
25. Муйдинова, А. У. (2022). МИЛЛИЙ УЙҒОНИШ ДАВРИ ЎЗБЕК АДАБИЁТИДА МУВАШШАХЛАРГА ДОИР АДАБИЙ МУНОЗАРЛАР. *"Экономика и социум*, 6(97), 1-7.
26. Muysinova, A. (2022). A LOOK AT THE HISTORICAL ROOTS OF MUVASHSHAN ART. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 12(05), 358-361.
27. Muysinova, A. (2022). Muavashshaxchilikda an'ana va individuallik. *TiL VA ADABIYOT TA'LIMI*, 4(1), 47-48.
28. Ҳикматов, Х. С. (2021). МУЛОҲИЗАҲО ПЕРОМУНИ ТАРЗИ ТАЪЛИМИ ИБОРА. *Academic Research in Educational Sciences*, 2(12), 307-314.
29. Ҳикматов, Х. С. (2022). ТАФСИРИ МУХТАСАР МЕБОЯД. *Academic Research in Educational Sciences*, 2(10), 1008-1013
30. Hikmatov, H. S. (2022). Recommendations for writing test speaker in the 9 class. *Экономика и социум*, 3(94), 48-52.
31. Hikmatov, H. S. (2022). SOME COMMENTS ON THE METHODOLOGY OF TEACHING THE TAJIK LANGUAGE IN PRIMARY SCHOOL. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 12(05), 349-354.